

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИРАҲИМОВА САЙЁРА ШОДИЁРОВА**

**ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДА ҚОРА ЧИНҒИЛНИНГ (*LYCIUM  
RUTHENICUM* MURR.) БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
МИКРОКЛОНАЛ КЎПАЙТИРИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**03.00.10 – Экология, 03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдирахимова Сайёра Шодиёровна**

Оролбўйи ҳудудларида қора чинғилнинг (*Lycium ruthenicum* Murr.)  
биоэкологик хусусиятлари ва микроклонал кўпайтиришнинг  
тамойиллари ..... 3

**Абдирахимова Сайёра Шодиёровна**

Биоэкологические особенности дерезы русской (*Lycium ruthenicum*  
Murr.) и принципы микроклонального размножения в условиях  
Приаралья..... 23

**Abdirahimova Sayyora Shodiyarovna**

Bioecological characteristics of black goji (*Lycium ruthenicum* Murr.) and  
principles of microclonal propagation in the Aral sea region..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИРАҲИМОВА САЙЁРА ШОДИЁРОВА**

**ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДА ҚОРА ЧИНҒИЛНИНГ (*LYCIUM  
RUTHENICUM* MURR.) БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
МИКРОКЛОНАЛ КЎПАЙТИРИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**03.00.10 – Экология, 03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/В339 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич**

биология фанлари доктори, профессор

**Адилов Бехзод Абдуллаевич**

биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Шапулатов Умиджон Мухамедович**

биология фанлари доктори

**Аймуратов Рапат Парахатович**

биология фанлари бўйича фалсафа доктори,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.15 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «22» январ куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология ва экология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.: (+99871-227-15-44).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй. Тел.: (99871-246-67-72).

Диссертация автореферати 2026 йил «05» январ куни тарқатилди.  
(2026 йил «05» январдаги 38 рақамли реестр баённомаси).

**Рахимова Т.У.**

Илмий даража берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

**Аллабердиев Р.Х.**

Илмий даража берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби,  
биология фанлари номзоди, доцент

**Жаббаров З.А.**

Илмий даража берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қурғоқчил ҳудудларда чўлланиш ва тупроқ шўрланишининг кучайиб бораётганлиги атроф-муҳит компонентларининг инқирозини келтириб чиқармоқда. Бу ўринда, экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда тупроқ унумдорлигини тиклаш амалиётига биогеоценозлар барқарорлигини таъминловчи, юқори мослашган ўсимликларни жорий этиш муҳим саналади. Шунга кўра, қурғоқчил ва шўрланган ҳудудларга мослашган ўсимлик турларининг биоэкологик хусусиятларини очиб бериш ва улардан фойдаланиш истиқболларини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда қурғоқчил ва шўрланган ерларни рекультивация қилиш, экотизимларни тиклаш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш аспектларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, фойдали экстремофил ўсимликларнинг ноқулай экотизимларда тарқалиши баҳоланди, *in situ* ва *ex situ* шароитларида кўпайтириш истиқболлари ишлаб чиқилди, гиперарид ҳудудларини фитомелиорация тадбирлари билан тиклаш йўллари яратилди. Таъкидлаш лозимки, экстраарид ҳудудлардаги янги ҳосил бўлган экотизимларнинг нотурғунлиги, тупроқ ва ландшафт бирликларининг ўзгарувчанлиги кўп ҳолларда абориген ўсимлик турларининг яшовчанлигига салбий таъсир этади. Янги ҳосил бўлган неотерра сифатида таърифланадиган Орол денгизининг қуриган тубида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг ҳали-ҳанузгача яқунланмаганлиги яшил қопламаларнинг яшовчанлигига таъсир этмоқда. Шунга кўра, Оролбўйи ҳудудининг турли шўрланиш даражаларидаги тупроқларига мослашган ва иқтисодий аҳамиятли турларни аниқлаш, чидамли популяцияларини ажратиш ҳамда уларни фитомелиорация тадбирларига жалб этиш муҳим саналади. Бу борада, жумладан, фармацевтика саноатида аҳамиятга эга, қурғоқчиликка мослашган *Lucium ruthenicum* нинг биоэкологик хусусиятларини баҳолаш, шўрга чидамлилик хусусиятларини аниқлаш ва кўпайтиришнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикада Оролбўйи минтақасининг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва экологик ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мослашган маҳаллий ва ноанъанавий янги ўсимлик турлари аниқланди, уларни кўпайтириш технологиялари ишлаб чиқилди ҳамда яшил қопламалар яратиш тадбирларига жорий этилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “... Марказий Осиёда экология, атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Оролбўйининг турли тупроқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

шароитларида ўсувчи *Lycium ruthenicum* нинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ва *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтиришнинг самарадор тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ 4899-сон «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-215-сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сон «Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январьдаги 31-сон «Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи худудларида “яшил қопламалар” - химоя ўрмонзорларини барпо этишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Lycium ruthenicum* Murr. дориворлик хусусиятлари, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамлилиги туфайли алоҳида аҳамиятга эга. Турли тадқиқотларда *L.ruthenicum* нинг географик тарқалиши, морфо-физиологик хусусиятлари келиб чиқиши, ҳамда турли хил омилларга мослашувчанлиги бўйича J.S. Miller (2002), R.A. Levin va J.S. Miller (2005), R.Yao et al. (2018), T.Fukuda et al. (2001) каби бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борган. Y.Y. Guo et al. (2019) ва J. Zhao et al. (2020) турининг шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамлилиги биокимёвий ва физиологик тадқиқотлар асосида тасдиқланган.

*L. ruthenicum* мевалари таркибидаги биолигик фаол моддалари жумладан антоцианинлар J.Sang et al. (2018), Z.Wang et al. (2019), X.Yang et al. (2020), проантоцианидинлар Y.Ma et al. (2017), антиоксидант фаолликка эга моддалар M.A.Секинаева ва б. (2018), каротиноидлар Y.Peng et al. (2005), T.Islam et al. (2017), ёғ кислотаслари ва минерал таркиби I.Nzeuwa et al. (2020), A.Altintas et al. (2006), флавоноидлар T.Li et al. (2020) ва витаминлар Кособокова ва б. (2013) бўйича маълумотлар бир қатор олимларнинг ишларида келтирилган.

Ўзбекистон шароитида С.Г.Шеримбетов (2021) томонидан Орол денгизининг қуриган тубида тарқалган *L.ruthenicum*нинг оксил ва пептидларни ажратиб олиш ва молекуляр массалари аниқланган. X.Ф.

Шомуратов ва б. (2014) ва В.Адиллов et al. (2021) томонидан мазкур турнинг Устюрт ва Қизилқум ҳудудларида тарқалишини шунингдек, ҳар-хил жамоаларда учрашини қайд этган. Н.С.Нуруллаева (2022) *L.ruthenicum* нинг онтогенези, фенологияси, гуллаш биологияси ўрганган. Д.М.Алиқариева (2023) тадқиқотда *Lycium chinense* ва *Lycium barbarum* турларнинг морфологик ва анатомик тузилиши, Тошкент ва Наманган шароитларига мослашуви ўрганилган.

Бироқ, *L.ruthenicum* турининг Оролбўйи ҳудудидаги биоэкологик хусусиятлари, шўрланган тупроқлардаги ўзига хос мослашувчанлик хусусиятларини ва микроклонал кўпайтириш усуллари бўйича тадқиқотлар етарли даражада чуқур ўрганилмаган. Шу сабабли, ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш орқали ўсимликнинг экологик аҳамиятини янада ошириш ва шўрланган ҳудудларни рекультивация қилишга қаратилган илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқиш муҳим саналади.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети Экология кафедрасининг «Глобал иқлим ўзгариши шароитида флора ва фаунанинг биоэкологик ҳосса-хусусиятларини тадқиқ қилиш, биохилма-хиллигини сақлаш, тупроқ ва сув ресурсларининг экологик ҳолатларини баҳолаш ҳамда табиий ресурслардан оқилona фойдаланишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш» (2020-2024) мавзусидаги илмий тадқиқот дастури, Биоорганик кимё институтининг А-ФА-2021-539 «Жанубий Оролқум ҳудуди экологик шароитига мослашган ўсимликларнинг ҳужайра технологияси асосида янги формаларини яратиш» (2021-2023) ва АЛ-632204150 «Орол денгизининг қуриган туби ўсимлик қопламани чуқур тадқиқ этиш асосида ҳудуд флорасининг замонавий рўйхатини шакллантириш, рақамли маълумотлар базаси ва генофонд коллекцияларини яратиш» (2022-2024) мавзусидаги амалий лойиҳалари, БМТ ҳамда ФАО нинг “Addressing the urgent human insecurities in the Aral Sea region through promoting sustainable rural development” (№ 00100959, 2019) ва “Empowering Youth Towards a Brighter Future through Green and Innovative Development of the Aral Sea region” (00134223, 2023) халқаро лойиҳаларида доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Оролбўйи ҳудуди турли тупроқ шароитларида ўсувчи *Lycium ruthenicum* нинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтиришнинг биотехнологик самарадор усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотни вазифалари:**

Жанубий Оролқум, Устюрт платоси ва Шимоли-Ғарбий Қизилқум ҳудудларида турли тупроқ шароитида *Lycium ruthenicum* нинг тарқалиши, морфологик хусусиятлари ва экотипларини қиёсий ўрганиш;

*Lycium ruthenicum* субпопуляцияларида морфологик ўзгарувчанликни тупроқ шароитларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ва шўрланган тупроқларда элементлар таркибига таъсирини ўрганиш;

*in vitro* шароитида *Lycium ruthenicum* уруғларини стериллаш, озуқа муҳитларини оптималлаштириш ва юқори маҳсулдор ниҳолларни микроклонал кўпайтириш протоклини ишлаб чиқиш;

микроклонал кўпайтирилган регенерантларни *in vitro* шароитидан *ex vitro* шароитига мослаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

*in vitro* шароитида натрий хлорид таъсирида *Lycium ruthenicum* нинг морфо-физиологик хусусиятларини ўрганиш ва шўрланиш шароитида мослашиш хусусиятларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** *Solanaceae* оиласининг *Lycium* L. туркумига мансуб *Lycium ruthenicum* Murr. (қора чинғил) тури ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** – *Lycium ruthenicum* нинг биоэкологик хусусиятлари, морфо-физиологик ўзгарувчанлиги, тупроқ шароитига мослашувчанлиги ва *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда геоботаник, морфологик, биометрик, физик-кимёвий (нейтрон-активацион таҳлил ва хромато-масс-спектрометрия усулларини қўллаш билан), биотехнологик (*in vitro*, *ex vitro*), статистик ҳамда ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Оролбўйи субпопуляцияларидаги *Lycium ruthenicum* нинг морфологик ва экологик хусусиятлари аниқланган ва “тарихий” ҳамда “замонавий” эко-фитоценотик оптимум ҳудудлари аниқланган;

ўсимликни тупроқдан кимёвий элементларни ва шўрлантирувчи ионларни танлаб ўзлаштириш хусусиятлари аниқланган;

*Lycium ruthenicum* уруғларининг униб чиқиши учун оптимал шароитлар аниқланган ҳамда стратификациянинг ижобий таъсири исботланган;

*Lycium ruthenicum* уруғларини *in vitro* стериллаш, оптимал муҳитларда юқори маҳсулдор ниҳоллар олиш ва *ex vitro* мослаштириш йуллари очиб берилган;

*Lycium ruthenicum* туз стрессга жавоб реакцияси баҳоланган ва физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

туз стресси шароитида ўсимликни босқичма-босқич шўрланишга мослаштириш усулининг самарадорлиги очиб берилган;

*Lycium ruthenicum in vitro* шароитидаги каллус индукцияси, регенерация жараёнлари ва турли фитогормонлар таъсиридаги органогенез жараёнларининг самарадорлиги баҳоланган;

илк бор *in vitro* шароитида *Lycium ruthenicum* микроклонал кўпайтириш протоколи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларни статистик қайта ишланганлиги ҳамда етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий

хамжамият томонидан тадқиқот натижаларини фундаментал лойиҳаларда тан олинганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оролбўйи минтақасида *Lycium ruthenicum*нинг биоэкологик хусусиятлари ва мослашув стратегиялари баҳоланганлиги, турли тупроқ шароитларида ўсимликнинг морфологик ва физиологик ўзгаришлари, шўрланишга мослашиш хусусиятларини ошиб берилганлигини, ўсимликнинг туз стрессига жавоб реакцияларини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти *Lycium ruthenicum*нинг *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтиришнинг самарали биотехнологик усуллари ишлаб чиқилганлиги, микроклонал кўпайтириш протоколдан фойдаланиб, *Lycium ruthenicum*ни тез кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этиш, каллус тўқималари орқали янги, шўрланишга чидамли ўсимлик формалари яратишда фойдаланиш имкониятлари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оролбўйи ҳудудларида қора чинғилнинг (*Lycium ruthenicum* Murr.) биоэкологик хусусиятлари ва микроклонал кўпайтиришнинг тамойиллари доирасида олинган натижалар асосида:

*Lycium ruthenicum* ни *in vitro* шароитида кўпайтириш, кучли шўрланишга адаптацияланган ниҳолларини етиштириш бўйича тавсиялар Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 25 февралдаги 05/13-04-80-сон маълумотномаси). Натижада, *Lycium ruthenicum* ни *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш ва кўчат биоматериалларини олиш имконини берган;

*Lycium ruthenicum* нинг турли тупроқ типлари ва шўрланиш даражалари, фитоценозлардаги улушини ҳисобга олган ҳолда Орол денгизи қуриган тубининг мос ҳудудларига экиб кўпайтириш бўйича тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Мўйноқ тумани бўлими амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 16 апрелдаги 02/017-1109-сон маълумотномаси). Натижада, *Lycium ruthenicum* ёрдамида кўчма қумларни мустаҳкамлаш ва шўрхокликларда ўрмонзорлар барпо этиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 13 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола,

жумладан 3 та хорижий, илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламида 17 тезис нашр қилинган ва 1 та коллектив монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 24 та иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзусига оид илмий адабиётлар таҳлили”**, деб номланган биринчи бобининг биринчи ва иккинчи бўлимларида *L.ruthenicum* нинг географик тарқалиши биоэкологик ва халқ хўжалигидаги аҳамияти адабиётлар таҳлили асосида ёритилган. *L.ruthenicum* асосан қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли минтақаларда ўсади, шунингдек бу ўсимлик доривор, озуқа ва экологик тикланиш учун муҳим ресурс сифатида баҳоланади. Мазкур бобнинг учинчи бўлимида ўсимликларни микроклонал кўпайтириш тамойиллари ва биотехнологик тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, объекти ва услублари”**, деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлимида Жанубий Оролқум, Устюрт платоси ва Шимоли-Ғарбий Қизилқумнинг табиий-географик ўрни, рельефи, иқлим ва тупроқ шароитлари адабиёт манбалари асосида тавсифланган. Иккинчи бўлимида объектлари ва усуллари батафсил келтирилган.

Диссертациянинг **“Оролбўйи ҳудудларида *Lucium ruthenicum* нинг биоэкологик хусусиятлари”**, деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида Жанубий Оролқум, Устюрт платоси ва Шимолий-Ғарбий Қизилқум ҳудудларида тарқалган *L.ruthenicum* нинг морфологик хусусиятлари ва субпопуляциялари ўртасидаги ўзгарувчанлиги бўйича натижалар келтирилган. Тадқиқот давомида ушбу ҳудудларда 8 та ценопопуляция ажратилиб, уларнинг яшаш муҳити ва фитоценотик шароитлари тавсифланди. Ценопопуляциялар куйидагича ажратилди: Жанубий Оролқумда ОСР1, ОСР2, ОСР3; Устюрт платосида УСР1, УСР2, УСР3; Шимолий-Ғарбий Қизилқумда КСР1 ва КСР2.

*Жанубий Оролқум субпопуляцияси ичидаги морфологик белгиларининг ўзгарувчанлиги.* Ўсимликнинг поя баландлиги энг баланд кўрсаткичи ОСР2 да  $149.3 \pm 8.16$  (57–187) см, ОСР1 да  $147.8 \pm 9.55$  (70–182) см бўлиб, ОСР2 дан аҳамиятли даражада фарқланмади. ОСР3 да  $64.3 \pm 7.53$  (26–108) см, бу ОСР2

дан 2 баробар паст кўрсаткични ифодалайди. Барг узунлиги  $3.74 \pm 0.39$  дан  $4.23 \pm 0.44$  см гача келади. Гул узунлиги  $4.4 \pm 0.25$  дан  $5.1 \pm 0.29$  мм гача қайд этилди. ОСР2 ва ОСР3 гуллари бинафша рангда бўлиб, фақат ОСР2 да гуллари оқ рангли эканлиги аниқланди. Мева ва уруғ кўрсаткичларида учта субпопуляцияда унча катта фарқлар кузатилмади.

*Устюрт ҳудудларидаги субпопуляциялар ичидаги морфологик белгиларининг ўзгарувчанлиги.* Ўсимликнинг поя баландлиги энг баланд кўрсаткичи УСР3 да  $90.89 \pm 9.18$  (42–143) см бўлиб, УСР1 -  $76.1 \pm 13.9$  ва УСР2 -  $75.5 \pm 12.74$  см баландликни кўрсатди. Барг узунлиги УСР1 да  $2.24 \pm 0.26$  см ва УСР2 да  $2.53 \pm 0.26$  см, УСР3 да эса  $3.05 \pm 0.31$  см бўлиб, бу иккита ценопопуляцияга нисбатан сезиларли даражада узун эканлигини кўрсатди. Гул узунлиги  $4.2 \pm 0.34$  дан  $4.4 \pm 0.32$  мм гача қайд этилиб, учта ценопопуляцияда оч бинафша рангда эканлиги аниқланди. Мева ва уруғ кўрсаткичларида учта ценопопуляцияда унча катта фарқлар кузатилмади.


*Шимолий-Ғарбий Қизилқум ҳудудларидаги субпопуляциялар ичидаги морфологик белгиларининг ўзгарувчанлиги.* Ўсимликнинг поя баландлиги энг баланд кўрсаткичи КСР1 да  $114.8 \pm 7.78$  (72–165) см бўлиб, КСР2 да  $99.24 \pm 7.83$  (53–112) см баландликни кўрсатди. Барг узунлиги КСР1 да  $3.16 \pm 0.41$  см ва КСР2 да  $2.3 \pm 0.32$  см эканлигини кўрсатди. Гул узунлиги  $4.9 \pm 0.33$  дан  $5.1 \pm 0.29$  мм гача қайд этилиб, иккита ценопопуляцияда бинафша рангда эканлиги аниқланди. Мева ва уруғ кўрсаткичларида унча катта фарқлар кузатилмади.

Тадқиқот натижалари Жанубий Оролқум, Устюрт платоси ва Шимолий-Ғарбий Қизилқум ҳудудларидаги ўсимликларнинг баландлиги, поя диаметри, баргларнинг ўлчами ва тиканларнинг узунлиги каби белгилар бўйича фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Бу фарқлар ўсимликнинг турли хил экологик шароитларга, жумладан, иқлим, тупроқ ва рельефга мослашуви натижасида юзага келишини англатади.

Тадқиқотларимизда *L.ruthenicum* морфологик ва физиологик пластиклигини турли экологик шароитларда мослашиш стратегияси сифатида баҳолаш учун ҳудудлараро субпопуляцияларнинг морфологик белгилари ўзгарувчанлиги ва гуруҳланиши таҳлил этилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, турли ҳудудлардан олинган ўсимликлар морфологик белгилар бўйича бир-биридан фарқ қилади. Морфологик белгиларнинг энг кенг вариабеллиги Жанубий Оролқум учун хос бўлиб, у қарийб барча ценопопуляциялардаги белгилар қийматини ўзида акс эттиради, яъни ушбу ценопопуляцияда тарқалган *L.ruthenicum* морфологик қиймати ўзгарувчанлигига кўра “ўта муҳим” қийматга эга. Бундан айтиш мумкинки, *L. ruthenicum* нинг субпопуляциялари орасида гул узунлиги ва гул ранги (F1, F1C), морфологик белгиларининг муҳим кўрсаткичи Шимолий-Ғарбий Қизилқум ва бошқа морфологик белгиларнинг муҳим кўрсаткичлари Жанубий Оролқумда тарқалган субпопуляциялар учун хос (1-расм).

*L.ruthenicum* нинг морфологик белгиларининг субпопуляциялараро вариацион бирликлари ва уларнинг координатлар маконидаги ординацияси

тахлили шуни кўрсатдики, Жанубий Оролқум ҳудудлари ўсимлик учун "замонавий" эко-фитоценотик оптимум сифатида белгиланиши мумкин. Бу ҳудудларда *L.ruthenicum* нинг морфологик белгилар вариабеллигининг ўхшашлиги қайд этилган бўлиб, бу эса унинг ушбу ҳудудларда ўхшаш морфологик, айниқса вегетатив мосланишлар градиенти асосида тарқалишини англатади. Устюрт платоси ва Шимолий-Ғарбий Қизилқумда эса *L.ruthenicum* учун "тарихий" эко-фитоценотик оптимум бўлиши мумкин, чунки бу ҳудудларда ўсимликнинг морфологик белгилари бошқа икки ҳудудга нисбатан сезиларли фарқ қилади.



**1-расм.** Ҳудудлараро ценопопуляциялардаги *L.ruthenicum* барча морфологик белгилари асосида субпопуляцияларининг координатлар ўқида гуруҳланиши: *Sth*- поя баландлиги, *Std*- поя диаметри, *Ll*- барг узунлиги, *Lw*- барг эни, *Thl*- тикан узунлиги, *Fl*- гули узунлиги, *FIC*- гул ранги, *Frl*- мева узунлиги, *Frw*- мева эни

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида *L.ruthenicum* нинг 8 та ценопопуляциясининг морфологик ўзгарувчанлигига тупроқ шароити билан боғлиқлиги ўрганилди. Бунда турли ҳудудлардан олинган ўсимликларнинг ўсган тупроқларининг кимёвий ва механик таркиби аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал


*L.ruthenicum* ўсган тупроқларнинг кимёвий ва механик таркиби

ID	Na <sup>+</sup>	Ca <sup>2+</sup>	SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	Cl <sup>-</sup>	Зичлиги	Гил, <0.01	pH
	Эрувчан ионларнинг миқдори, %						
ОСР1	0.355±0.09	0.162±0.03	0.037±0.05	0.068±0.01	1.046±0.16	13.086±0.8	8.81±0.11
ОСР2	0.334±0.09	0.149±0.03	0.043±0.01	0.063±0.02	1.197±0.12	14.594±5.1	8.93±0.11
ОСР3	0.145±0.04	0.105±0.02	0.069±0.01	0.059±0.01	0.578±0.12	6.918±1.31	8.49±0.16
УСР1	0.037±0.01	0.061±0.01	0.241±0.06	0.190±0.07	0.544±0.08	2.391±0.40	8.05±0.08
УСР2	0.073±0.03	0.052±0.01	0.247±0.06	0.238±0.05	0.899±0.19	2.607±0.26	7.74±0.19
УСР3	0.059±0.01	0.045±0.09	0.293±0.07	0.142±0.05	0.598±0.10	2.099±0.24	7.64±0.19
КСР1	0.159±0.03	0.075±0.04	0.049±0.08	0.092±0.02	0.606±0.13	26.714±7.9	8.68±0.05
КСР2	0.129±0.04	0.069±0.01	0.070±0.01	0.078±0.02	0.392±0.13	35.44±6.38	8.69±0.07

Жанубий Оролқум (ОСР) тупроқларида  $\text{Na}^+$  миқдори Устюрт платоси (УСР) ва Шимолий-Ғарбий Қизилқум (КСР) тупроқларига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди (0.355%, 0.334% ва 0.145%). *L.ruthenicum* галофит ўсимлик бўлгани учун маълум даражада шўрланишга чидамли ва натрий ионини осморегуляция учун ишлатиши мумкин. Бу ўсимликнинг хужайраларида  $\text{Na}^+$  ионларини тўплаш ва шу орқали сув потенциалини пасайтириш, транспирацияни камайтириш ва сувни тежашга ёрдам беради.

УСР тупроқларида  $\text{SO}_4$  миқдори бошқа ҳудудларга нисбатан юқори (0.241%, 0.247% ва 0.293%). ОСР тупроқларида  $\text{Ca}$  миқдори УСР ва КСР тупроқларига нисбатан анча юқори. Шимолий-Ғарбий Қизилқум тупроқларида гил заррачаларининг миқдори бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Учала ҳудуддаги тупроқларнинг рН қиймати нейтрал ёки озгина ишқорий бўлиб, бу *L. ruthenicum* учун қулай муҳит ҳисобланади.

Каноник мосликлар таҳлили (ССА) ўсимликлар маълум тупроқ градациялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган 11 та тупроқ таркиби кўрсаткичини аниқлади: М1, Ca4, Ca3, Ca2, SO1, C11, SO3, C14, M4, SO4 ва SO2. ССА графикасидаги маълумотларнинг дисперсия таҳлили шуни кўрсатдики, Жанубий Оролқум ҳақиқатан ҳам *L.ruthenicum* нинг "замонавий" эко-фитоценотик оптимум сифатида Шимолий-Ғарбий Қизилқум ва Устюрт субпопуляцияларидан фарқ қилади. Айни ўсимликнинг морфологик белгилари вариабеллигининг катталиги, уларга таъсир қилувчи тупроқ омиллари градиентлари барча қийматларининг таъсир қилиши билан тушунтирилади (2-расм).




**2-расм.** Статистик жиҳатдан аҳамиятли ( $p < 0.05$ ) корреляцияга эга тупроқ омиллари ва субпопуляцияларнинг морфологик белгилари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи каноник корреспондентлик таҳлили (ССА): М1–тупроқнинг механик таркиби; Ca4, Ca3, Ca2–кальцийнинг турли концентрациялари; SO1, SO2, SO3, SO4–сульфат ионларининг турли даражалари; C11, C14–хлор ионларининг


концентрациялари; М4–тупроқнинг умумий минераллашув даражаси

Шимолий-Ғарбий Қизилқум ва Устюрт субпопуляциялари тарқалган ҳудудларда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг барқарорлиги *L.ruthenicum* ценопопуляцияларини шакллантиришда фақатгина тупроқнинг оғир механик таркиби (М1), кам хлорли муҳит (С11) ва кальций ҳамда сульфат ионларининг мўллиги ( $\text{SO}_3$ ,  $\text{SO}_4$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ) таъсир этди. Бу эса, ҳудудда ушбу тупроқ таркиби ионларининг ўзгариши субпопуляцияларнинг трансформациясига таъсир этиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беради.

Ушбу бобнинг учинчи бўлимида *L.ruthenicum* илдизи ва тупроқ намуналарининг таркибидаги 33 та кимёвий элемент миқдори учта ҳудуд кесимида солиштириб ўрганилди. Кимёвий элементларнинг миқдори ҳудудларга қараб фарқ қилди. Тадқиқ қилинган тупроқларда кальций миқдори энг юқори бўлиб, Устюрт тупроғи намуналарида унинг миқдори Жанубий Оролқум ва Шимолий-Ғарбий Қизилқум тупроғига қараганда 1,5–2 баравар кўп (мос равишда 256000, 110000 ва 167000 мкг/г), лекин ўсимлик илдизларидаги кальций миқдори аҳамиятли фарқ аниқланмади (мос равишда 5030, 5000 ва 6010 мкг/г) (3-расм). Тадқиқ қилинган тупроқларда асосий элемент сифатида натрий ( $\text{Na}^+$ ) иони аниқланди. Устюрт платоси тупроғида унинг миқдори Жанубий Оролқум ва Шимолий-Ғарбий Қизилқумга нисбатан 6–7 баравар кам (мос равишда 14500, 12000 ва 2100 мкг/г) бўлди. Шунингдек, Жанубий Оролқумда ўсган *L.ruthenicum* илдизида ҳам натрий ионининг миқдори юқори, Устюрт платосида эса анча паст (25900, 11700 ва 312 мкг/г) (4-расм).




3-расм. *L.ruthenicum* ўсган тупроқ ва илдизи таркибидаги  $\text{Ca}^{+2}$  нинг миқдори, турли кесмаларда, мкг/г



4-расм. *L. ruthenicum* ўсган тупроқ ва илдизи таркибидаги Na<sup>+</sup> нинг миқдори, турли кесмаларда, мкг/г

Шунингдек, тупроқ ва илдиздаги элементлар миқдори таққосланди. Аксар ҳолларда тупроқдаги миқдор илдиздагидан юқори бўлиб, бу ўсимликнинг минерал моддаларни танлаб ўзлаштириши ёки айрим элементларни ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келишини кўрсатади.

Диссертациянинг “*Lucium ruthenicum in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш йўллари” деб номланган тўртинчи бобининг биринчи бўлимида *L.ruthenicum* ўсимлигининг турли муддат давомида сақланган уруғларининг лаборатория шароитида стратификация қилинган уруғлари назорат варианты билан солиштирган ҳолда турли ҳароратдаги унувчанлиги ўрганилди.



\*-хана ҳароратида сақланган уруғларнинг унувчанлиги

\*\* -стратификация қилинган уруғларин унувчанлиги

5-расм. *L. ruthenicum* уруғларининг турли йилларда сақланган ва стратификация қилинган уруғларининг унувчанлиги

*L.ruthenicum* хона ҳароратида сақланган уруғларининг унувчанлиги йилдан йилга камайиб борди (5-расм). Стратификация униш қобилиятини сезиларли даражада оширди. Уруғларининг униб чиқиши учун оптимал ҳарорат +25–27 °С бўлиб, ҳароратнинг мазкур даражасида унувчанлик +18–20 °С га нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

Иккинчи бўлимда *L.ruthenicum* турини *in vitro* шароитида микроклонал

кўпайтириш усуллари ўрганилди. Уруғлар турли стериллаш воситалари ( $\text{HgCl}_2$ ,  $\text{NaOCl}$ ,  $\text{AgNO}_3$ ) билан ишлов берилди.  $\text{HgCl}_2$  (0.01%) да униш 31% ни ташкил этди.  $\text{NaOCl}$  (5%) 38.91% натижа берди, аммо ифлосланиш даражаси юқори бўлди.  $\text{AgNO}_3$  (0.1%) эса 34.20% самарадорлик ва паст ифлосланиш кўрсатди. Оптимал усул сифатида 0.1%  $\text{AgNO}_3$  билан 7 дақиқа стериллаш энг яхши натижани берди.

*Ўсиш регуляторлари ва культуралаш шароитлари.* Ўсимлик ривожланишини ўрганишда БАП (6-бензиламинопурин) нинг турли концентрациялари (0.05; 0.1; 0.5; 1 мг/л) қўлланилди. Натижаларга кўра, БАП 0.05 мг/л концентрациясида кўпайиш коэффициенти 21.42 ни ташкил этди. Юқори концентрацияларда (0,5–1 мг/л) куртак ривожланиши пасайди ва каллус шаклланиши кузатилди (2-жадвал).

Каллусогенез босқичида барг дискларидан каллус тўқималари олинди. 2,4-Д (синтетик ауксин) ва БАП (цитокинин) регуляторлари турли концентрацияларда қўлланилди. 2,4-Д 0.5 мг/л концентрациясида 91.23% каллус ҳосил бўлди. БАП 0.5-1 мг/л концентрацияларида каллус ҳосил қилиш даражаси паст бўлди. 2,4-Д ва БАП комбинациясида (0.5+0.5 мг/л) каллус ҳосил бўлиши 82.43% ни ташкил этди. Каллуснинг морфологик хусусиятлари регулятор концентрациясига боғлиқ равишда ўзгарди: 2,4-Д да каллуслар яшил ва бўш, БАПда сарғиш ва зич тузилмали бўлди (3-жадвал).

## 2-жадвал

БАП нинг *L.ruthenicum* куртаклари кўпайишига ва ривожланишига таъсири

Кўрсаткичлар	ЭКС	ЭТС	КУК	КК	КШ
Назорат	1.2±0.12	3.5±0.40	4.92±0.61	4.2	-
БАП (мг/л) 0,05	<b>4.2±0.44</b>	<b>5.1±0.38</b>	<b>4.39±0.41</b>	<b>21.42</b>	-
БАП (мг/л) 0,1	2.3±0.20	2.9±0.43	3.43±0.54	6.67	+
БАП (мг/л) 0,5	1.9±0.29	2.1±0.41	2.56±0.42	3.99	+
БАП (мг/л) 1	1.5±0.21	1.6±0.28	1.86±0.32	2.4	+

*Изоҳ:* БАП – 6-бензиламинопуринли; ЭКС – экспланттаги куртаклар сони; ЭТС – экспланттаги тугунлар сони; КУК– культурадаги энг узун куртак; КК- кўпайтириш коэффициенти; КШ – каллус шаклланиши

## 3-жадвал

Каллус индукциясига турли консенрациядаги цитокинин ва ауксиннинг таъсири

2,4-Д [мг/л]	БАП [мг/л]	Каллус индукцияси (%)	Каллуснинг хусусияти
0.1	-	10.36±0.98	Y L N
<b>0.5</b>	-	<b>91.23±0.51</b>	<b>G L F</b>
1	-	76.30±0.82	G L F
-	0.1	0.26±0.11	G L N
-	0.5	3.03±0.38	G L N
-	1	14.26±0.92	Y L C
0.1	0.5	51.63±1.04	G L
0.5	0.5	82.43±0.70	Y F
1	0.5	73.36±0.84	B G D

*Изоҳ:* В–кўнғир, G–яшил, Y–сарғиш, D–тўқ, L–оч, C–зич, F–бўш, N–тугунли

*In vitro* шароитида регенерация жараёнлари. Каллус тўқималаридан куртаклар регенерацияси турли ўсиш регуляторлари таъсирида ўрганилди. БАП, Кинетин ва ИМК комбинациялари синовдан ўтказилди (4-жадвал).

Куртакларнинг ўртача сони 4.9 дан 18.9 гача бўлиб, энг юқори куртаклар сони К1 вариантыда (0.5 мг/л БАП, 0.2 мг/л Кин, 0.2 мг/л ИМК) кузатилди. Куртаклар узунлиги ўртача 1.06 см дан 4.05 см гача бўлиб, энг узун куртаклар К2 (0.5 мг/л БАП, 0.4 мг/л Кин, 0.4 мг/л ИМК) ва К5 (0.1 мг/л БАП) вариантларида кузатилди. Каллус ҳосил бўлиш фоизи К2 ва К8 (2 мг/л БАП) вариантларида энг юқори бўлди. Тадқиқот натижаларига кўра, 0.5 мг/л БАП + 0.4 мг/л Кин + 0.4 мг/л ИМК комбинацияси оптимал деб топилди.

Тўртинчи бобнинг учинчи бўлимида *L.ruthenicum* эксплантларини *ex vitro* шароитига мослаштириш жараёни ўрганилди. Тажрибаларда қуйидаги субстратлар қўлланилди: тупроқ, торф ва қум, 2:1 нисбатда тупроқ ва торф ҳамда худди шу нисбатда торф ва қум ва 1:2 нисбатда тупроқ ва торф.

Энг юқори яшаб кетиш фоизи (80.5%) торф ва тупроқ аралашмасида (1:2 нисбатда) кузатилган. Тупроқ ва торф аралашмаси (2:1 нисбатда) ҳам юқори натижа кўрсатган (69.4%). Тупроқдан иборат субстратда яшаб кетиш фоизи 58.3% ни, торфда 63.8% ни ва қум субстратида эса яшаб кетиш фоизи энг паст бўлган 36.1% ни ташкил этди.

#### 4-жадвал

Ўсимлик ўсиш регуляторларнинг регенерациясига таъсири (хар бир ўсиш регуляторларида 15 та эксплант 15-45 кун давомида таҳлил қилинди)

Вариант	Ўсиш регулятори (мг/л <sup>-1</sup> )			Ўсиш параметрлари		
	БАП	Кин	ИМК	куртак ўртача сони	куртак узунлиги	каллус %
К1	0.5	0.2	0.2	<b>18.9±2.59</b>	1.57±0.22	3.8±0.61
К2	0.5	0.4	0.4	<b>10.90±1.10</b>	<b>3.85±0.37</b>	<b>59.5±2.05</b>
К3	0.5	1	0.5	5.2±0.98	2.13±0.48	11.0±1.12
К4	0.5	1	1	7.6±1.20	1.86±0.51	21.3±1.45
К5	0.1	-	-	<b>8.7±0.86</b>	<b>4.05±0.42</b>	<b>36.6±1.97</b>
К6	0.5	-	-	7.3±1.34	2.78±0.44	22.9±2.05
К7	1	-	-	6.5±0.49	<b>3.02±0.37</b>	45.8±1.25
К8	2	-	-	4.9±0.62	1.06±0.20	52.3±0.74

Бешинчи бобда “*In vitro* шароитида *L. ruthenicum* морфо-физиологик кўрсаткичларига шўрланишнинг таъсири” ёритилган. *L.ruthenicum* стериль уруғлари WPM озуқа муҳитига NaCl тузли эритмаларининг 50 mM, 100 mM, 200 mM, 300 mM, 400 mM, 500 mM ва 600 mM концентрациялари кўшилиб ҳар бир озуқа муҳитига 30 та уруғдан иборат тўртта такрорий синаш учун унувчанлиги ўрганилди ва назорат билан солиштирилди. Натижаларига кўра NaCl нинг концентрациясининг ошиши билан уруғ унувчанлиги камайиб борди (8-расм). NaCl нинг 500mM ва 600mM ли озиқа муҳитларида уруғлари униб чиқмади. 50mM NaCl концентрациясида 25.9%, 100mM NaCl концентрациясида 33.2%, 200mM NaCl концентрациясида 49.9%, 300mM NaCl концентрациясида 72.2% ва 400mM NaCl концентрациясида 81.8% уруғлар назоратга нисбатан камайганлигини

кўрсатди.

Иккинчи бўлимда *In vitro* культурасида *L.ruthenicum* ўсимлигини NaCl шўрланиш таъсирида ўсиши ва ривожланишини ўрганишда NaCl турли концентрацияларини (50mM, 100mM, 200mM, 300mM, 400mM, 500mM ва 600mM) синовдан ўтказилди. Бунда уч хил босқичда олиб борилди: NaCl турли концентрациясида уруғлардан униб чиққан кўчатлар (LN1); *in vitro* культурасида шаройитида ўстирилган ўсимликлар бир босқичли NaCl турли концентрациядаги муҳитида (LN2); NaCl турли концентрациядаги муҳитига босқичма босқич ўтказиш (LN3) (3 ҳафтадан юқори туз концентрациясига кетма кет ўтказиб борилди).

